

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

БАНДИХОН ТУМАН ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

Х.Йўлдошев

“30” май 2022 йил



Бандихон туман халқ таълимига қаршли 5-21 ва 34-умумий ўрта таълим мактабларининг  
иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари  
объекти бўйича:

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ  
ЧИҚДИ**

**Бандихон туман халқ таълими бўлими**

Ташкилот номи

2022 йил

**МУНДАРИЖА****НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

*(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ****УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ

**ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

**ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**"Бандихон туман халқ таълими бўлими"**

(Буюртмачи ташкилот номи)

**Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон қилади**

Объект номи: Бандихон туман халқ таълимига қарашли 5-21 ва 34-умумий ўрта таълим мактабларининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари – 101 700 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 30 календарь кун.

Буюртмачи: **Бандихон туман халқ таълими бўлими**

- Тел (97) 352 7227

**Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

- ◆ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш таклифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайидан олишлари мумкин

- ◆
- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
  - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

:

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

### " Бандихон туман халқ таълими бўлими "

Бандихон туман халқ таълимига қарашли 5-21 ва 34-умумий ўрта таълим мактабларининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари (буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Бандихон туман халқ таълимига қарашли 5-21 ва 34-умумий ўрта таълим мактабларининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари

Жорий таъмирлаш бошланғич нархи— 101 700 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати —30 календарь кун.

Буюртмачи: Бандихон туман халқ таълими бўлими.

Тел (97) 352 7227.

**Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);

тўловга кодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада ақс этирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш ҳужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни такдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъмирлаш ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок такдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин танлаш комиссияси томонидан бўлиб ўтади.

\_\_\_\_\_ :

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон қилади.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Қурилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёнилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

### II. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953-сонли қарорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл.** Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

**2-шакл.** Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**3-шакл.** Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**5-шакл.** Банк кафилиги.

**6-шакл.** Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси.

**7-шакл.** Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

**8-шакл.** Танлаш иштирокчисининг Мукамал даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

**9-шакл.** Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

**1-илова.** Қурилишни бажариш буюртманомаси.

**2-илова.** Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги.

**3-илова.** Объект қурилишини молиялаштириш графиги.

**4-илова.** Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

**Изох:** Таъмирлашнинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

қурилишнинг бошланғич нархи;

қурилишнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

### III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур таъмирлаш ишлари бўйича танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат маҳадлий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

### IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартиришлар ҳақида танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчиларига билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида муурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан катъий назар "Танлаш иштирокчиларига хабарнома" кўринишда расмийлаштирилади ва танлаш ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига қайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиш муддатини янги охири санаси белгиланади.

#### **V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмирлаш ишлари ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш ҳужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмирлаш ҳужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, таъмирлаш тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

#### **VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

#### **VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилддан иборат. Биринчи йиғма жилдга кирувчи ҳужжатларда танлаш таклифи қийматида оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмалиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларида бўлиши керак.

##### **7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк қафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш топшириқномасининг нусхасини тақдим қилиш йўли билан танлашда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш қафолати объект бошланғич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш қафолатининг амал қилиш муддати ТАЖда кўрсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажы ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур. Агар ТАЖДа бошқача кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади.)

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охириги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларининг бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги Мукамал пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, ҳужжатларга имзо чекиш ва танлашда катнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖДа кўрсатилган.

7.2.10. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖДа кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

**7.3. 2-йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.3.1. Таъмирлаш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект қурилишини молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари (материаллар таснифи ва миқдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.

Қурилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга қаранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташқари, қайтариш асоси вужудга келган вақтдан эътиборан 10 (ўн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган офертанга;

7.6.2. Танлаш ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса танлаш таклифи деб ҳисобланади.

### **VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ**

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар



пудрат ишлари танлашда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган кийматини, қурилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри киймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча киймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри кийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа харажатлар кийматини танлаш иштирокчиси мустақил равишда белгилайди ва ишлар кийматига киритади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар таклиф этаётган нархни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал қилиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиреди. Бунда қурилиш материаллари турини танлаш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс қайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиреди.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (лойихада кўзда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз такдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг киймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.6. Танлашда белгиланган қурилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (бююртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

#### **IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНING АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври танлаш таклифлари очилган кундан бошлаб 30 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

#### **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг битта аслини такдим этиши керак.

10.2. Таклифнинг асли нусхаси босма ёзувда бўлиши керак. 2,3,4,5,6,7,8-шаклларнинг ва 1,2,3,4-иловаларнинг ҳар бир бети танлаш иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва танлаш иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. 8-шакл танлаш иштирокчисининг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. "Танлаш иштирокчиларига хабарнома"га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари танлаш таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлаш ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки танлаш иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Танлаш комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Танлаш ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар танлаш таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

#### **XI. ТАКЛИФНИ КОНВЕРТГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА БЕЛГИ ҚЎЙИШ**

11.1. Танлаш иштирокчисини имзо ва муҳр билан тасдиқланган таклифи, иккита бир-бирига солинган конвертларга муҳрланган ва мазкур йўриқноманинг 11.2, 11.3, 11.4-бандларига мувофиқ белги қўйилган ҳолда савдо ташкилотчисига такдим этилади (11.8-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари).

11.2. Ташки конвертда 1-йиғма жилдга тегишли ҳужжатлар ва ички конверт жойлашади. Ички конвертда эса 2-йиғма жилдга тегишли ҳужжатлар жойлашади.

11.3. Ташки конверт қуйидагича белгиланади:

- таклифни қабул қилиш манзили кўрсатилади;
- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- таклифни топшириш санаси.

11.4. Ички конверт қуйидагича белгиланади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- "молиявий таклиф" ёзуви.

11.5. Танлаш таклифини ўзгартириш ёки уни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарнома конвертда муҳрланган, танлаш иштирокчисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда савдо ташкилотчисига такдим этилади.

11.6. Ўзгартиришлар киритилган конвертлар 11.3 ва 11.4-бандларга мувофиқ “Ўзгартиришлар” ёзуви билан белгиланади.

11.7. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарнома конвертида қуйидагилар кўрсатилади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- “танлаш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳақида хабарнома” ёзуви.
- танлаш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномани бериш санаси.

11.8. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда биринчи ва иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари алоҳида топширилади.

## **XII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ**

12.1. Таклифлар танлаш ташкилотчисига ТАЖда кўрсатилган тартибда, ўз муддатида ва манзил бўйича такдим этилиши керак.

12.2. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2-бандига ва ТАЖга қаранг) дастлабки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖга қаранг).

12.3. Буюртмачи танлаш комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақда танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчиларига хабарномалар орқали билдиради.

12.4. Таклиф танлаш ташкилотчисига такдим этилгандан сўнг, у таклиф қабул қилинганлигини алоҳида кайд этиш китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишлари ҳужжатлари танлаш иштирокчисига мазкур йўриқноманинг 5.3-банди талабларига асосан такдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда танлаш иштирокчиси танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

12.6. Юқоридаги бандда кайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда танлаш ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, танлаш иштирокчиси буюртмачидан лойиҳа ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида 3 кун муддатга танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

## **XIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

13.1. Таклиф берилганидан кейин танлаш иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичнда ёзма равишда танлаш ташкилотчисига такдим этилган бўлса.

13.2. Танлаш иштирокчиси киритаётган ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарнома мазкур йўриқноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, муҳрланган ва белги қўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган танлаш таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

## **XIV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ**

14.1. Танлаш буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-йиғма жилдлар) солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдирган танлаш иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ҳозирлигида ТАЖда кўрсатилган манзилда, эълон/таклифнома ёки хабарномада кўрсатилган кун ва соатда ўтказилади.

14.3. Танлаш иштирокчиларни ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишлари керак.

14.4. Танлаш комиссияси таклифларини ҳисобдан чиқариш ҳақида хабарнома йўллаган танлаш иштирокчиларини эълон қилади (агар бўлса).

14.5. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Танлаш ҳужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган таклифлар кўриб чиқилмайди. Таклифларни такдим этиш санаси танлаш ташкилотчисининг таклифларни олинганлиги ҳақидаги почта хабарномасидаги белги бўйича ёки танлаш ташкилотчисининг таклифларни иштирокчиларга берилган санаси ҳақидаги хабарнома санаси бўйича (таклифларни қўлда етказиб берган ҳолларда) аниқланади.

14.6. Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлаш ғолибини аниқлаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлаш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Такдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлаш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлаш таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 кунни ташкил этади.

14.9. Танлаш комиссияси ташки конвертни (1-йиғма жилд ҳужжатларини) очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлаш иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очилишига рухсат олган танлаш иштирокчилари эълон қилинади. Танлаш комиссияси 1-йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин танлаш иштирокчиларнинг 2-йиғма жилдларини очишга ҳаққи йўқ.

14.11. Танлаш комиссияси ички конвертни (2-йиғма жилд ҳужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказиши, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

14.12. Танлаш комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва яқуний баҳолаш танлаш комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Танлаш комиссияси томонидан танлаш иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлаш комиссияси ушбу танлаш таклифини рад қилишга ҳақли.

14.15. Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа катнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

14.16. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига биноан ва ТАЖДа кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

14.17. Танлаш комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

14.18. Танлашга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

14.19. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлаш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консултантлар (танлаш комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари танлаш комиссияси аъзолари каби танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

#### XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

15.1. Танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таккослаш учун таклифни танлаш комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

#### XVI. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

16.1. Танлаш иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

16.2. Танлаш иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖДа кўрсатилган танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гуруҳи аъзолари танлаш таклифларининг баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖДа алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

Т/р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Танлаш иштирокчилари		
				5	6	7
1	2	3	4			
1	Танлаш буюртмасини таъминлаш қафолати	1-шакл	Изоҳга қаранг			
2	Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	2-шакл	19			
3	Охириги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	3-шакл	34			
4	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги	Банк маълумот-номаси				
5	Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	4-шакл				
6	Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси	5-шакл	25			
7	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари	6-шакл	15			

	рўйхати					
8	Танлаш иштирокчиси танлаш вақтида иштирок этаётган ва мазкур танлашнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) хақида маълумот	7-шакл	Изоҳга қаранг			
9	Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	8-шакл	7			
<b>Жами баллар</b>			<b>100</b>			

**Изоҳлар:**

Танлаш иштирокчиси баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), танлаш комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди очилмасдан танлаш иштирокчисига қайтарилади:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг овоз бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 1, 3, 4, 5 ва 8 шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса.

Агар шартномани тузиш мўлжалланаётган сана вақтига баҳолаш мезонларига биноан таъмирлашни амалга ошириш учун керакли барча машина ва механизмлар бошқа объектларда ишга жалб қилинадиган ҳолларда 7-шакл баҳоси 0 га тенглаштирилади. Бошқа ҳолларда баҳолаш интерполяция йўли билан амалга оширилади.

2, 3, 6 ва 7-шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади.

Танлаш иштирокчиси ташиқлотнинг раҳбари бўлмаган ёки 9-шаклда келтирилган шакл бўйича ишончномага эга бўлмаган танлаш иштирокчиси вакили танлашда ҳозир бўлишига ва танлаш таклифини (офертани) имзолашга ҳақли эмас.

9-шакл мавжуд бўлмаса танлаш таклифи ва келгусида буюртмачи ва танлаш голиби ўртасидаги нудрат шартномасини фақат танлаш иштирокчиси ташиқлотнинг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга.

**Баҳолаш гуруҳи аъзолари:**

(имзоси)

(Ф.И.О.)

(санаси)

16.4. Танлаш комиссияси танлаш иштирокчиси дан уни малака талабларига жавоб беришини тасдиқловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

16.5. Зарур бўлганда танлаш комиссияси 1-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни батафсил ўрганиш ва тўғрилигини текшириш учун комиссия таркиби ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳини тузишга ва кейинчалик комиссияга тегишли ҳулосани киритишга ҳақли.

16.6. Баҳолаш гуруҳи тузилган ҳолатда танлаш комиссияси аъзоси баҳолаш гуруҳининг тавсиялари асосида қарор қабул қилишга ёки танлаш таклифлари баҳолаш варағини мустақил тўлдиришга ҳақли.

16.7. Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисининг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.

**XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш таклифларининг биринчи йиғма жилдларини тасдиқлаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилдларни очилишига малака танлашидан муваффақиятли ўтган танлаш иштирокчиларига руҳсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилдларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўриқномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси таклифларни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд ҳужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги таклиф ҳужжатларининг бирортасини танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси таклифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни яқунлаш муддатларини ўқиб эшиттиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширувдан ўтказилиб, таклиф таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш ҳужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва танлаш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўриқномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иктисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари танлаш ҳужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳи тузиш ҳуқуқига эга.

17.10. Агар ТАЖДа бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖДа бошқача кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг таклифлари куйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Иловаларни баҳолаш параметрларининг номи	Баллар миқдори	Танлаш иштирокчисилар		
<b>I. Таклиф этилаётган нарх. I-илова (35 балл)</b>					
1.	Буюртмачининг бошланғич нархи – 10 балл, таклиф этилган энг паст нархи – 35 балл. Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги баллар формула ёрдамида интерполяция билан аниқланади* (изохга қаранг). Танлаш иштирокчиларининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори таклифлари рад этилади.	10-35			
<b>II. Қурилишни якунлашни таклиф этилаётган муддати. I-илова (5 балл)</b>					
1.	Ижро муддати танлаш ҳужжатларида белгиланганга мос ёки кам.	5			
2.	Танлаш ҳужжатларида белгиланган ижро муддатидан ортган ҳар 10 кун учун 1 балл олиб ташланади, лекин 5 баллдан ортик эмас.	1-5			
<b>III. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори. Танлаш таклифларининг баҳолаш варағи (техник баҳолаш). (60 балл)</b>					
1.	Танлаш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра энг кўп балл тўплаган танлаш иштирокчисига – 60 балл; 2-йиғма жилдларни очилишигача киритилган ва танлаш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра ўтиш бали билан тенг тўплаган танлаш иштирокчисига – 45 балл; қолган таклифлар бўйича баллар интерполяция билан аниқланади.	45-60			

#### Изоҳлар:

а) танлаш иштирокчиси таклифи куйидаги ҳолларда рад этилади (дисквалификация қилинади):

- 1, 2, 3, 4 сон иловалардан биронтаси, шунингдек 4-иловадаги жамланма жаadwal мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, таклиф рад этилади ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди мазмуни эълон қилинмасдан қайтарилади;

- таклифда кўрсатилган ишлар ҳажми танлаш ҳужжатларида кўрсатилган ишлар ҳажмига тўғри келмаса;

б) малакали деб топилган ва преференцияларни қўшган ҳолда энг кўп балл тўплаган танлаш иштирокчисининг таклифи голиб деб ҳисобланади;

в) баллар тенгелигида таклиф этилган энг кам нархли таклиф танланади.

\* Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги балларни аниқлаш интерполяция формуласи:

$A = 10 + ((\text{СЦЗ} - \text{ЦП}) * 25) / (\text{СЦЗ} - \text{НПЦ})$ , бу ерда

A – молиявий таклиф учун баллар миқдори;

10 – танлаш иштирокчиси нархи учун берилган, буюртмачининг бошланғич нархига тенг бўлган, баллар миқдори;

СЦЗ – (ББН) буюртмачининг бошланғич нархи;

ЦП – (ТН) танлаш иштирокчиси нархи;

25 – молиявий таклиф учун берилган энг кўп ва энг кам (35-10) баллар миқдорининг фарқи;

НПЦ – (ЭТН) энг кам таклиф этилган нарх.

\*\* Биринчи йиғма жилд таклифларининг якуний баҳолари бўйича балларни аниқлаш интерполяция формуласи:

$B = 45 + ((\text{КБ1П} - \text{ПБ}) * 15) / (\text{НБКБ1П} - \text{ПБ})$ , бу ерда

B – биринчи йиғма жилд якуний баҳоси бўйича баллар миқдори;

45 – ўтиш баллига тенглаштирилган биринчи йиғма жилд баллари;

КБ1П – (1ПБМ) танлаш иштирокчисининг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган баллар миқдори;

ПБ – (ЎБ) биринчи йиғма жилд бўйича ўтиш бали;

15 – энг кўп ва энг кам (60-45) баллар якуни баҳоси бўйича фарқи;

НБКБ1П – (1ПЮБМ) танлаш иштирокчисининг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган юқори баллар миқдори.

17.12. Агар ТАЖДа бошқа маълумотлар келтирилмаган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра, баҳолаш гуруҳи аъзолари танлаш таклифларининг қуйидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

**ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ**

Т/р	Параметр номи	Иловалар	Максимал баллар	Танлаш иштирокчисилар		
1	Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда)	1-илова	35			
2	Қурилишни яқунлашни таклиф этилаётган муддати	1-илова	5			
3	1-йиғма жилдни баҳолаш бўйича баллар миқдори	Танлаш таклифларини баҳолаш варағи (техник баҳолаш)	60			
<b>Жами баллар</b>			<b>100</b>			

Баҳолаш гуруҳи аъзолари: \_\_\_\_\_  
(имзоси) (Ф.И.О.) (санаси)

**XVIII. ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

18.1. Танлаш ғолибини эълон қилиш танлаш иштирокчилари иштирокида ўтказилади. Иштирок этмаган танлаш иштирокчилари белгиланган тартибда хабардор қилинади.

18.2. Пудрат шартномасини танлаш ғолибига берилгани юзасидан танлаш комиссиясининг қарори охири ҳисобланади ва муваффақият қозонмаган танлаш иштирокчилар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

18.3. Танлашларда муваффақият қозонмаган танлаш иштирокчилари суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Суд идоралари сўровига кўра, танлаш комиссияси раиси танлаш комиссиясининг ҳар бир иштирокчиси ва буюртмачи кўрсатилган танлаш иштирокчиларини қатнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни ёзма равишда такдим этадилар.

**XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУГУРТАСИ**

19.1. Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖДа кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖДа қаранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

19.5. Танлаш ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) сугуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

**XX. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ**

20.1. Буюртмачи танлаш яқунланган кундан кейин беш кунлик муддат ичида махсус ахборот порталида танлаш натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойиҳани бажариш муддати) ҳақида эълон чоп этади.

20.2. Танлаш натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

20.3. Буюртмачи ва пудратчи (танлаш ғолиби) ҳар ойда томонларнинг танлаш талабларини бажарилиши ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилишда танлаш савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда такдим этишга мажбур.

**XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

21.1. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:  
- таклифларни бериш муддатини яқунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;  
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошланғич кийматидан ошиқ бўлса;

- танлаш комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкый ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус коидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Бандихон туман халқ таълими бўлими
2.	Объект номи:	Бандихон туман халқ таълимига қарашли 5-21 ва 34-умумий ўрта таълим мактаблар
3.	Танлаш тартиб раками:	№1
4.	Танлаш тури:	Очик танлаш.
5.	Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="https://dxarid.uzex.uz">https://dxarid.uzex.uz</a> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	
7.	Декларация шакли:	1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошланғич нархининг 0,5% ташкил қилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган кунидан бошлаб 1 ой амал қилиш муддати
8.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<a href="https://dxarid.uzex.uz">https://dxarid.uzex.uz</a> махсус ахборот порталида эълон қилинади.
9.	Танлашда иштирок этишга қўйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи-муҳандисларга ва ўхшаш объектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
10.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Қўлланилмайди.
11.	Танлаш иштирокчиларининг танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Эълон қилинган кундан бошлаб 5 кун давомида.
12.	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишнинг охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар.
13.	Танлаш ҳужжатиининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
14.	Танлаш таклифининг амал қилиш муддати:	Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.
15.	Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан "Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати".
16.	Танлашда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори.	Талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори 20 фоиз миқдорда.
17.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	Танлаш ташкилотчисининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатдан ўтказилганлиқ тўғрисида гувоҳнома, банкдан маълумотнома картотека, кредит бўйича ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси. Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси. Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машин ва механизмлар рўйхати тулик илова қилиниши.

		<p>Хар бир объект буйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тулик кўрсатилиши шарт.</p> <p>Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак.</p> <p>Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилди ва чиқариб юборилди.</p>
18.	Танлаш таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили:	Бандихон туман Бандихон маҳалласи, тел: 97-352-72-27, . Иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.
19.	Танлаш таклифларини очиш манзили:	Бандихон туман Бандихон маҳалласи, тел: 97-352-72-27, . Иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.
20.	Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичида
21.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
22.	Буюртмачининг объект буйича бошланғич нархи:	ККС билан 101 700 000 сум.
23.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	30 календарь кун.
24.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
25.	Таъмирлашни молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг Мукамал йилдаги қийматининг 30 % аванс (бўнак) (2 ойга тенг бўлган ҳолда 15 %дан). Охириги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов қафолат муддати тугаганидан сўнг.
26.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
27.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда